Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини бажарамиз

# ЯНГИ УРФ-ОДАТЛАР—ҲАЁТГА!

## БИЗ ШУ ЕРДА ЯШАЙМИЗ

Абдулла Мўминов маҳалласининг маркази байрамдагидек безатилган. Тинчлик, эзгуликни улуғловчи, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтиришга ундовчи шиорлар кўзга ташланади. Уруш ва меҳнат ветеранлари, маҳалла жамоатчилиги вакиллари, ёшлар Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган семинар-кенгашга тўпланишган. Байрамни муносиб кутиб олишда маҳалла комитетлари ва уларнинг активлари олдида турган вазифалар ҳақида доклад қилинди. Шундан сўнг уруш қатнашчилари, жамоатчи активларнинг ёшлар онгига ватанпарварлик ғояларини чуқур сингдириш, уларни кекса авлод жанговар анъаналари асосида тарбиялаш хусусида суҳбати бўлди. Бу йиғилиш, айниқса, ёшларда чуқур таассурот қолдирди.

Меҳнаткашларни маънавий-эстетик жиҳатдан тарбиялаш ва камолга етказишда муҳим аҳамият касб этувчи тематик семинар-кенгашлар ўтказиш маҳаллаларимизда анъана тусига кирди. Бунинг сабаби маълум: идеологик, сиёсий-тарбиявий, маданий-маърифий ишлар, аввало, аҳоли истиқомат қиладиган жойларда намунали йўлга қўйилиши лозим. Шунинг учун ҳам шаҳар партия комитети ва халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети бу соҳага алоҳида эътибор бермоқда.

Яқинда «Коммунизм» маҳалласи жамоат марказида «Билим» жамияти билан ҳамкорликда атеистик тарбияни давр талаби даражасига кўтариш масаласига бағишланган семинар-кенгаш мароқли ўтди. Унда ислом динининг реакцион моҳияти, баъзи жойларда эскилик сарқитлари ҳали ҳам сақланиб қолаётгани ҳақида қизғин баҳс юритилди. Масалан, маҳалла турмуш маданияти кенгашининг раиси И. Носиров мактаб ўқувчилари ўртасида атеистик тарбияни кучайтириш, уларнинг дунёқарашини шакллантириш тўғрисидаги мулоҳазаларни ўртага ташлади. Маҳалла комитетининг раиси И. Шукуров эса эскича, зарарли урф-одатларга қарши, тўйлар, маъракаларга замон руҳини сингдириш тўғрисида фикр билдирди.

Жамиятимиз ҳаётбахш идеаллари мужассамлашган бундай йиғинларда меҳнат аҳлининг маънавий дунёси ёрқин гавдаланади, айни пайтда кишиларнинг эзгу ниятлари, интилишлари намоён бўлади .Бундан бир оз вақт илгари шаҳримиз маҳаллаларида совет турмуш тарзини қарор топтириш, жамоат тартибини яхшилаш, замонавий урф-одатлар ва удумларни кенг жорий этиш, озодаликни таъминлаш борасида эришилган ютуқларни оммалаштириш бўйича ўтказилган республика семинари келгусида амалга ошириладиган режаларимиз учун замин яратиб берган эди. Шундан кейин Советлар билан ҳамкорликда «Маҳаллаларда аҳоли ўртасида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишлар плани»ни тузиб чиқдик. 1984—1985 йилларга мўлжалланган бу планда маҳаллаларда ривожланган социализм даврига мос тушадиган турмуш принципларини шакллантириш, маънавий-ахлоқий ва эстетик тарбияни кучайтириш масалалари атрофлича қамраб олинди.

Шаҳримиздаги 26 та маҳаллада соф маънавий-ахлоқий муҳит яратиш йўлидаги изланишлар изчил давом эттирилмоқда. Тинчлик, ватанпарварлик, дўстлик, атеистик тарбия мавзуларида лекция ва суҳбатлар мунтазам ўтказилмоқда. 26 сиёсий ахборотчи, 259 агитатор ва «Билим» жамиятининг кўплаб аъзолари бу ишларда фаол қатнашмоқдалар.

Яқинда Октябрь 60 йиллиги номли маҳаллада Ингичка кон бошқармасининг ишчиси, КПСС XXVI съезди делегати Р. Жермаль билан бўлган учрашув ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни янада кучайтиришга бағишланди. Ўз коллективида катта обрў-эътибор қозонган бу оддий ишчининг меҳнатни улуғлаш, вақтни қадрлаш ҳақидаги суҳбатини ёшлар қизиқиш билан тингладилар.

Шаҳар партия ва совет ташкилотлари қуйидан бўлаётган илғор ташаббус ва тажрибаларни кенг қўллаб-қувватламоқда. Ана шундай ташаббуслардан бири — маҳаллаларга оталиқ ёрдамини уюштириш бўлди.

### Маҳалла жамоатчилиги— катта куч

Шаҳардаги 14-ўрта мактаб, маҳаллий саноат бошқармасига қарашли фабрика, қурилиш материаллари комбинати, 2518-автоколонна ишчи ва хизматчилари «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги», Алишер Навоий номли, Абдулла Мўминов номли, «Октябрь» маҳаллалари аҳолиси билан бирга ўтказаётган тадбирлар, айниқса, мазмунли бўлмоқда.

Сиёсий-тарбиявий, маданий-оқартув ишлар савиясини давр талаби даражасига кўтариш, янгича анъаналар ва удумларни жорий этишда асосий масъулият, шубҳасиз, маҳалла комитетлари зиммасига тушади. Шунинг учун ҳам маҳалла комитетларини илмли, тажрибали, омма билан ишлай олиш қобилиятига эга бўлган кишилар билан мустаҳкамлашга ҳаракат қиляпмиз. Масалан, шаҳарда обрўли «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» маҳалла комитети аъзолигига халқ назарига тушган серғайрат, ташкилотчи кишилар сайланди. Улуғ Ватан уруши ветерани Салим Рўзиев унга раислик қилмоқда. Бу ерда тўй-маъракаларни ихчам, мазмунли ва кам чиқимли қилиш, оилавий кечалар ўтказиш, ҳарбий хизматга чақирилувчиларни кузатиш, ленинча шанбаликлар уюштириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Деярли барча маҳаллаларда «Замонавий тўй ва маъракалар, маросимлар қандай бўлиши керак?» деган мавзуда мунозарали суҳбатлар уюштирилди. Қизғин баҳсларда жамоатчилик вакиллари фаол қатнашдилар. Хулоса эса бир хил бўлди: «Тўйлар ва маъракалар ортиқча исрофгарчиликсиз, замонавий, ихчам ва кўркам ўтказилиши лозим!»

Бироқ баъзи жойларда тўйлар ҳаддан ташқари чўзилиб кетмоқда. Айрим кишилар ортиқча дабдабага берилиб, катта тўйлар қилишяпти. Бу эса ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатяпти. Бундай кишиларга тегишли чора кўриляпти, албатта.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари қарорлари маҳаллаларда идеологик, сиёсий-тарбиявий, маданий-оқартув ишларни тағин ҳам кучайтиришни, янгича урф-одатлар, анъаналар ва удумларни янада кенгроқ ёйишни тақозо этади. Бу эзгу йўлда бутун куч ва имкониятимизни ишга соламиз. Шунга эришмоғимиз керакки, одамлар ўз тақдирлари, қувончлари, орзу-интилишлари маҳаллалар ҳаёти, жамоатчилик ижтимоий фаолияти билан чамбарчас боғланиб кетганлигини теран тушунишсин. Жамиятни ҳар тарафлама юксалтирувчи эзгу ишлар аввало маҳалладан бошланишини ҳар бир киши чуқур ҳис этиши лозим.

**И. ЭШБЕКОВ,**
**Каттақўрғон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари.**



**Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида социалистик мусобақа илғорлари ва меҳнат ветеранларининг иш фаолияти мисолида ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда ҳар бир ёш ишчи мураббийлар оталиғига олинган. Корхонада «Меҳнат ветеранларини шарафлаш», «Энг яхши касб эгаси», «Мастер — коллективнинг жон-дили», «Ишчилар синфига қабул» каби маросимларни ўтказиш анъана бўлиб қолди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, тикувчи-мотористка Дилором Умарова ҳам бирлашмадаги тажрибали мураббийлардан бири. У чорак асрдан бери бир ерда муқим ишлаб келмоқда. Д. Умарова шу йиллар ичида кўпгина қизларга устозлик қилиб, уларга ўзининг бой иш тажрибасини ўргатди. Яқинда корхонада ўтказилган «Меҳнат ветеранларини шарафлаш» маросими унинг чорак асрлик меҳнат фаолиятига бағишланди.**

**СУРАТДА: бирлашманинг ёш ишчилари Дилором Умаровани йигирма беш йиллик иш фаолияти билан табрикламоқдалар.** **В. Молгачев фотоси.**

## МАРОСИМЛАР МАЗМУНДОР ЎТСИН

**Ўзбекистон партия ташкилоти КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг (1983 йил) июнь Пленуми қарорларини амалга ошириш жараёнида атеистик тарбия масалаларига катта эътибор бермоқда.**

**Республика аҳолисини атеистик руҳда тарбиялаш масаласи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумларида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Диний таассубларга муросасозлик билан қараш, уларга қарши астойдил кураш олиб бормаслик, баъзан эса ўта йўл қўйиб бериш асло мумкин эмас. «Аҳвол шу даражага бориб етдики, дейилади Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленумида, айрим шаҳар ва районларда қаллоб руҳонийлар назоратга чап бериб, одамларнинг ҳаётига ҳам сурбетларча аралашмоқдалар. Бунинг устига, партия ташкилотлари бутунлай диний характерда бўлган маросим ва урф-одатларда қатнашаётган коммунистларга нисбатан «раҳмдиллик» қилдилар, аслини олганда, муросасозлик йўлини тутдилар».**

Бундай муросасозлик оқибатида айрим коммунистлар, улар орасида раҳбар ходимлар оддий гражданларга ижобий намуна, яхши ибрат бўлиш ўрнига ўзлари маросимпарастлик пардасига ўралиб қолдилар.

Ҳар қандай динда, айниқса, исломда маросим ва урф-одатлар кенг тармоқли, нисбатан кўпроқ тарқалган, айрим социал қатламлар орасида чуқурроқ илдиз отган. Динда тўрт элемент бор. Булар диний онг, диний психология, диний ибодат ва диний ташкилотлардир. Шулар орасида диний ибодат — маросим ва урф-одат, анъана ва расм-русумлар, дин қобиғига ўралган тоат-ибодат — амалий хатти-ҳаракатлар энг кўп тарқалган, нисбатан яшовчан, ғоят зарарли, доим хатарлидир.

Шу вазиятни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми қарорлари меҳнат аҳлида, айниқса, кадрларимизда илмий дунёқарашни шакллантиришга, душман идеологияси ва пропагандаси кирдикорларига қарши, шунингдек, турли-туман сарқитлар ва диний хурофотларга ва бошқа иллатларга қарши курашга чақирди. Бу чақириқ ва даъват бежиз эмас. Кўпгина жойларда рўй бераётган маросимпарастлик турмуш шароитимизга доғ туширмоқда, илғор коллективларга иснод келтирмоқда.

Шуниси қувонарлики, аксарият қишлоқ ва ишчи посёлкаларида, маҳалла ва кварталларда, корхона ва муассасаларда оқилона, замонавий диндан ҳоли бўлган маросимлар астойдил жорий этилмоқда. Айрим шахслар тўқиб чиқарган ирим-чиримларга кескин хотима берилмоқда.

Бироқ айрим турар-жойларда, коллективларда турли-туман диний маросим ва урф-одатлар бажарилмоқда. Буларга расмий ва сохта расмий руҳонийлар таклиф қилиниб, қанчадан қанча ёшлар ишдан ва ўқишдан қолмоқдалар. Бунинг устига исрофгарчилик, оворагарчилик, прогулчилик ва дабдабабозликка йўл қўйилмоқда. Масалан, Сурхондарё область, Шўрчи район, Охунбобоев номли колхозда келин учун қалин ва қўй берилади. Қишлоқдаги аксарият келин-куёвлар ЗАГСдан ўтгач, диний никоҳ ўқитадилар. Қишлоқ Совети раиси Ҳ. Абдуалимов келин-куёвларга ширин тилак, эзгу ният, оқилона маслаҳат, моҳирона тавсиялар изҳор этиш ўрнига, уларни никоҳ дафтаридан ўтказишдан ташқари ҳеч нарса билан қизиқмайди.

Жарқўрғон районидаги Нурали Боймуродов номли колхозда диний маросимларга, хурофот, урф-одатларга қарши кураш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Лоқайдлик, сансалорлик оқибатида никоҳ тўйлари эскича ўтказилмоқда. Шуниси ачинарлики, район партия, совет, хўжалик активининг кўпчилиги ана шу колхоз территориясида яшайди. Улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари либераллик, муросасозлик, ўзибўларчилик каби ярамас майллар ғоят зарарли иллат эканлигини алоҳида уқтирганини унутмасликлари лозим. Бундай нуқсонлар, айниқса коммунист ва комсомолларда асло учрамаслиги зарур. КПСС ва ВЛКСМ Уставларида улардан жанговар атеист бўлиш билан бирга атеизмнинг тарғиботчилари бўлиш шартлиги ҳам уқтирилган.

Ҳар бир маҳалла, квартал, коллектив, маҳаллий раҳбар ходимлар зиёлилар, меҳнат аҳли ва пенсионерлар, уй бекалари, ўқувчи ёшлар орасида умри тугаган маросимларни суриб чиқариб, янги, атеистик мазмундаги анъаналарни астойдил, собитқадамлик билан амалга оширишлари айни муддаодир. Бунда уларга ибрат бўладиган маҳалла ва қишлоқлар кўп. Чунончи, янги маросимларни жорий этишда пойтахтимизнинг С. Раҳимов районидаги Беруний номли маҳалла комитети (раиси доцент Т. Қосимов), А. Икромов районидаги «Шарқ юлдузи» маҳалла комитети (раиси ўртоқ Одилахон Хўжаева), Октябрь районидаги «Янги шаҳар» маҳалла комитети (раиси доцент Х. Мелиқулов) бошқаларга намуна бўлмоқда. Бу микромуҳитларда диннинг ва руҳонийларнинг салбий таъсири тобора пасайиб бормоқда.

Афсуски, ана шундай маҳаллалардан ўрнак олмаётган, уларга тақлид қилмаётган, эргашмаётганлар ҳам анчагина бор. Ақл-идрок намунаси таъсир қилмайдиган, виждон амри ва гражданлик бурчига қулоқ солмайдиган бундай кишилар атеистик ғоя ва адолатли қонунимизга тўсиқ бўлмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари динга нисбатан ҳар қандай муросасозлик, маросимларни суриштириб-нетмай мақтайверишга, уларни ўташга йўл қўйиб беришларга қарши қаттиқ курашга чақирди. Коммунистларга, раҳбар ходимларга келганда пленум шуни уқтирдики, улар диний таассуб ва хурофотларга қарши кескин кураш олиб боришлари зарур.

Ғоявий чиниқиш — кадрларнинг куч-қувват сарчашмасидир, уларнинг партия сиёсатини ўтказишдаги, унинг туб манфаатларини ҳимоя қилишдаги бирдамлиги, маслакдошлигининг гаровидир. Бундай чиниқишда эса атеистик билимларни пухта ўзлаштириш, уларни шахсий эътиқод мезонига айлантириш, айниқса муҳимдир.

**А. ОРТИҚОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.**

## ЭЗГУ АНЪАНАЛАР МЕВАСИ

Халқ депутатлари Кармана шаҳар Совети ижроия комитети янги урф-одат ва анъаналарни жорий этиш бўйича изчил иш олиб бормоқда. Ижроия комитет ҳузурида 7 депутатдан иборат доимий комиссия тузилган. Унга уруш ва меҳнат ветерани Муртазо Рўзиев етакчилик қиляпти. Кейинги пайтда бу комиссиянинг фаолияти сезиларли жонланди. У партия ва совет органлари, маҳалла комитетларига таяниб, қатор ташкилотчилик ишларини амалга оширди.

Буни биринчи навбатда ажойиб анъанага айланган «Кўча байрамлари»ни уюштириш ва ўтказишда яққол кўриш мумкин. Бу ўзига хос байрамни нишонлаш ўтган йилдан бошланди. Унга бир ой олдин тайёргарлик кўрилади. Кўчага номи берилган кишининг меҳнат фаолияти, бу ерда яшаб ўтган ва яшаётган партия, уруш ва меҳнат ветеранлари ҳаёти ўрганилади. «Энг саришта ҳовли», «Энг яхши пазанда» конкурслари эълон қилинади. Ҳар бир хонадонда ободончилик ишлари авж олдирилади.

«Кўча байрами» ўтказилган кун ҳақиқий шодиёна тусини олади. Бадиий ҳаваскорларнинг чиқиши, оилалар ўртасида ўзаро спорт мусобақалари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар уюштирилади. Конкурсларга якун ясалиб, ғолибларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилади.

Дастлабки шундай байрам Циолковский номли кўчада ўтказилган эди. Кейин Муқимий, Дзержинский, Навоий ва бошқа кўчаларда ҳам бўлиб ўтди. Шу ўринда бу тадбирларга пул ва маблағлар сарф этилмаганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Уларнинг ҳаммаси ишдан бўш пайтларда, дам олиш кунларида амалга оширилди.

### «КЎЧА БАЙРАМИ»НИ ЎТКАЗИШ ТАЖРИБАСИДАН

Натижа-чи? Ўз байрамларини нишонлаган кўчалар чиройи ўзгариб кетди. Улар илгари қаровсиз, тартибсиз бўлган бўлса, айни пайтда кўркам, саришта, кўкаламзор кўчаларга айланди. Кишилар дунёқарашига ҳам бу тадбирларнинг таъсири катта бўляпти. Оилаларда тотувлик, иноқлик мустаҳкамланди. Одамларнинг маънавий олами янада бойиди, гўзаллашди. Биз ҳозир шундай байрамларни Крупская, Қўчқор Қаршиев, Тошкент кўчаларида ўтказиш учун қизғин ҳозирлик кўряпмиз.

Шаҳар ижроия комитети янгича расм-русумларнинг бошқа формаларини ҳаётга жорий этишга катта эътибор бермоқда. 23 февраль, 8 март, 1 май, 9 май, 7 ноябрь каби шонли саналарни нишонлаш, никоҳ қоғозлари топшириш, армияга кетаётганларни кузатиш ва кутиб олиш маросимларини тантанали ташкил этиш, тўйларнинг мазмунли, исрофгарчиликсиз ўтишини таъминлаш борасида депутатлар, маҳалла комитетлари ва улар қошидаги советлар ижодий, собитқадамлик билан иш олиб боряпти. Шу сабабли бундай расм-русумлар шаҳримиз аҳолиси турмуш тарзига тобора чуқур сингиб бормоқда.

Албатта, бу билан Кармана шаҳрида фақат совет турмуш тарзига хос урф-одат ва анъаналарга риоя қилиняпти, деб бўлмайди. Ҳаётимизда ўтмиш сарқитлари сифатида сақланиб келаётган, молпарастлик, сохта обрў орттириш мақсадида юзага келган иллатлар ҳам учраб туради. Масалан, орамизда диний маросимларга ружу қўйган кишилар ҳам бор. Улар «авлиё»ларнинг руҳига, «Қадамжо»ларга сиғинишади, қурбонликлар учун пул совуришади.

Ёки тўйлар масаласини олайлик. Маҳалла комитетлари бу борада кўп иш олиб боришларига қарамай, ичкиликбозлик, исрофгарчиликка бутунлай барҳам берилгани йўқ. Ҳали ҳам тўйларни асосан дастурхондаги арoқ, коньяклар сони, таомлар тури билан ўлчаётганлар оз эмас. Гўё улар мана шундай дастурхон тузаб, «эл олдидаги қарзларини» узмоқчи, обрўларини кўтармоқчи бўлишади. Оқибатда эса шундай тўйлардан кейин кўнгилсиз ҳодисалар рўй беряпти.

Шунинг учун ҳам биз партия, совет, комсомол ходимлари, депуталар, маҳалла активлари ҳар қандай кўринишдаги иллатга қарши талабчанлик билан курашишимиз, атеистик пропагандани кенг йўлга қўйишимиз, турмушимизни янада кўркам, мазмунли ва мароқли қиладиган янги урф-одатларни кенгроқ жорий этиш учун янада ишчанлик ва ташаббускорлик кўрсатишимиз лозим. Биз шу йўлни қатъий давом эттирамиз.

**И. НОРОВ,**
**халқ депутатлари Кармана шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.**

### САҲНАДА БОБОҚУЛОВЛАР

**◆ Қизилтепа район маданият уйида оилавий ансамбллар кўриги бўлиб ўтди. Кўрик лауреатлари орасида «Ўзбекистон» колхозидан ака-ука Бобоқуловлар бор. Улар беш оғаинилардир. Бахтиёр паррандачилик фабрикасида ишлайди. Қандиёр музика мактабида дарс беради. Ўткир колхоз клуби мудири. Шомирза билан Юсуф пахтакорлардир. Уларнинг ҳаммаси бўш вақтларида бадиий ҳаваскорлик тўгарагида шуғулланади.**

**Қизилтепа районида ўнлаб оилавий ансамбллар бор. Бу ерда ишлаб турган йигирматадан кўпроқ клуб муассасасида қизилтепаликлардан беш мингдан зиёд киши қўшиқ, музика ва рақс билан машғул бўлмоқда. (ЎзТАГ).**

### ДАМ ОЛГАНИ

**◆ Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг бир группа ишчилари биринчи сменадан кейин дам олиб бўлгач, жума куни кечқурун янги маршрут билан Андижонга автобусда саёҳат қилишга жўнаб кетдилар. Корхона меҳнаткашлари шаҳар ва унинг атрофидаги диққатга сазовор жойлар билан танишадилар, ҳамкасблари, халқ ҳунармандчилиги усталари ҳузурида бўладилар.**

**Ўзбекистон пойтахтидаги кўпгина корхоналарнинг ходимлари дам олиш кунлари самолётда мамлакатнинг турли шаҳарларига жўнаб кетдилар. (ЎзТАГ).**



**Паркентлик ўқитувчи Лутфулла Сибагатулин Улуғ Ватан уруши йилларида ўқчи батальони командирининг ёрдамчиси, миномёт ротасининг командири сифатида жанг қилди. Днепр дарёсини кечиб ўтишда кўрсатган жасорати учун унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган. Л. Сибагатулин қишлоққа кўкси тўла орден ва медаллар билан қайтди ва ўзининг ўқитувчилик касбини давом эттирди. Ҳозир қишлоқдаги қаҳрамон яшаган кўча Л. Сибагатулин номи билан юритилади. Паркент районидаги 5-ўрта мактаб ўқувчилари Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари билан тез-тез учрашиб турадилар, уларнинг оила аъзоларига яқиндан ёрдам берадилар. Ўқувчилар Л. Сибагатулиннинг умр йўлдоши Моҳира Ҳасановна ҳузурида ҳам тез-тез бўладилар.**

**СУРАТДА: Моҳира Сибагатулина уй-рўзғор ишларига ёрдамга келган ўқувчиларга Улуғ Ватан уруши қаҳрамони ҳақидаги хотираларини сўзлаб беряпти.**

**Р. Шагаев фотоси (ЎзТАГ).**

## «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

### «ҒОЯВИЙЛИК— АДАБИЁТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ»

**Газетамизнинг ўтган йил 295-сонида босилган юқоридаги сарлавҳали редакцион мақолада ғоявий-бадиий бўш асарлар танқид қилинган эди.**

**Ушбу мақола юзасидан «Ёш гвардия» ва Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётларидан жавоблар олинди.**

**— Мақола нашриёт бош редакциясининг кенгайтирилган йиғилишида чуқур муҳокама этилди, — дейилади «ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИдан олинган жавобда. — Мақолада кўрсатиб ўтилганидек, нашриётда чоп этилган ёзувчи С. Кулишнинг «Кўнгилхуш сайр» («Увеселительная прогулка») қиссасида фикрнинг ноаниқлиги асарнинг бадиий жиҳатдан нотўғри тузилишига олиб келган.**

**Бўш, ғоявий жиҳатдан паст асарнинг нашр этилишига йўл қўйган нашриёт ходимлари тегишли маъмурий жазо олдилар. Босмага тушириладиган қўлёзмаларга бўлган талабчанликни ошириш, ноширлар масъулиятини кучайтириш юзасидан бош редакциянинг тадбирлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.**

**— Мақола очиқ партия йиғилишида атрофлича кўриб чиқилди, — дейилади ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ йўллаган жавобда. — А. Алиевнинг «Адабий мерос ва замонавийлик» китоби ҳақида билдирилган танқидий фикрлар тўғри. Ҳақиқатан ҳам китобда баъзи масалалар бир ёқлама ҳал этилган, тарихийлик принципига амал қилинмаган.**

**Адабиётшунослик нашрлари бўйича масъул ўртоқларга ушбу китобда йўл қўйилган хатоларни қайта такрорламаслик, ҳар бир нашрда партиявийлик принципига қатъий амал қилиш юзасидан жиддий кўрсатмалар берилди.**

### «УНЛАРИМИЗ СИФАТЛИ БЎЛСА?»

**Газетанинг шу йил 13 январь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали материалда Шўрчи район нон маҳсулотлари комбинати чиқараётган унларнинг сифатсизлиги танқид қилинган эди.**

**— Мақолада келтирилган фактлар ва адресимизга айтилган ҳамма камчиликлар ҳақиқатан ҳам тўғри,— деб ёзади ШЎРЧИ РАЙОН НОН МАҲСУЛОТЛАРИ КОМБИНАТИ раҳбарлари. — Мақола коллектив ўртасида муҳокама қилинди. Энг аввало, маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.**

**Нуқсонларга йўл қўйганликлари ва масъулиятсизликлари учун ремонт устахонасининг мудири А. Қулматов, бўлим мудири Х. Шоймардоновларга ҳайфсан эълон қилинди. Катта лаборант В. Семёнова ва тайёр маҳсулотлар омборининг мудири Х. Файзуллаевлар эса огоҳлантирилдилар.**

